2003 YIL 7 OKTYABR, SESHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 125 (6.650). Sotuvda erkin narxda

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

## А.Ҳ.Комиловни Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Абдулазиз Ҳафизович Комилов Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 6 октябр

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг*
ҚАРОРИ

## Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида

**Фуқаролар Йиғинлари раисларининг /оқсоқолларининг/ ва улар маслаҳатчиларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 105- моддасида ва «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун 20-моддасида белгиланган ваколат муддати 2003 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари 2003 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари /оқсоқоллари/ ва улар маслаҳатчилари сайловини ўтказишни таъминласин.

2. Шу муносабат билан:

туман ва шаҳарлар ҳокимларига фуқаролар йиғинларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда, ташкилотчилик қобилиятига ҳамда аҳоли ўртасида юқори обрў-эътибор ва ҳурматга эга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган вазифаларни, шу жумладан мазкур органларга давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми босқичма-босқич ўтказилиши муносабати билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга қодир шахслар орасидан фуқаролар йиғинлари раислари /оқсоқоллари/ ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар танлашда кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига ўз сайлов округларида сайлов тадбирларини ташкил этишда фаол иштирок этиш;

оммавий ахборот воситаларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловга тайёргарликнинг боришини ва сайловни кенг ёритиш тавсия этилсин.

3. Олий Мажлис Кенгашининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этишга доир тадбирлари тасдиқлансин.

4. Олий Мажлис Котибияти Олий Мажлисда доимий асосда ишловчи депутатлар ва Котибият ходимларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиш учун жойларга чиқишларини ташкил этсин.

5. Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси сайлов кампанияси мобайнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари юзасидан билдирилган таклифларни умумлаштирсин ҳамда фуқаролар йиғинлари раислари /оқсоқоллари/ ва улар маслаҳатчилари сайлови якунлари тўғрисида 2004 йилнинг 15 январига қадар Олий Мажлис Кенгашига ахборот берсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**
**Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 6 октябрь

## КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

**● 6 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов олиб борди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Олий ҳарбий божхона институтида илк бор биринчи курс тингловчиларининг тантанали қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.**

**● «Биеннале-2003» -II Тошкентда Халқаро бадиий кўргазмаси иштирокчилари - хорижлик таниқли рассомлар ва санъатшунослар Самарқандни зиёрат қилди.**

**● Пойтахтимизда Ўзбекистон Меъморлар уюшмасининг қурултойи бўлиб ўтди.**

**● Тошкент Ислом университетида «Қуръони карим маъноларининг таржимаси» ва «Танланган ҳадислар» номли электрон китоблар яратилди.**

**● Балиқчи туманидаги «Намуна» ширкат хўжалиги Андижон вилоятида биринчилардан бўлиб давлатга пахта сотиш бўйича йиллик режасини бажарди.**

**● Чуст туманидаги Варзик қишлоғида жойлашган 19-махсус мактаб ўқувчилари учун янги мактаб бунёд этилди.**

**● Тошкентда «Стандартлаш ва ахборот жамияти учун ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» мавзуидаги халқаро семинар бошланди.**

**● Регистон майдонидаги «Самарқанд» универмагида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг доимий кўргазмаси очилди.**

**● Бухоро давлат тиббиёт институтида Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.**

**● «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси яна бир замонавий авиалайнерга эга бўлди. АҚШнинг Сиэтл шаҳридан учган «Боинг-767» ҳаво кемасини Тошкент халқаро аэропортида авиакомпания раҳбарияти, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари кутиб олди.**

**● Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида Германиянинг Фрайбург университети билан ҳамкорликда маданиятлараро мулоқотнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**



**Бу йил Тўрткўл туманидаги “Агроимпекс” фермер хўжалиги иссиқхонасида 150 тонна бодринг етиштирилди. Фермер яна йил охиригача 100 тонна бодринг етиштиришни режалаштирган. Миришкор Бектемир Авезовнинг айтишича, маҳсулотни сотишдан келадиган фойда ишчилар манфаатдорлигини ошириш ва иссиқхонани кенгайтиришга сарфланади.**
**СУРАТДА: Бектемир Авезов.**

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

# ДАНҒИЛЛАМА ҲОВЛИ КИМНИКИ?

### ЯНА ЎША ЖИНКЎЧА

***Қишлоқ четидаги янги маҳаллалардан бирида яшайдиган биродаримиз тўйга айтди. Тўйга, хурсандчиликка не етсин, дедик. Бордик. Катта йўлдан бурилиб, сал юришимиз билан йўлнинг торлигидан машинамиз юролмай қолди. Кўчанинг икки томони турли автоларга тўлиб кетганини кўриб, тўйхона яқин бўлса керак, деб ўйлаган эдик. Қаёкда? Ҳар қадамда бурилиш, бир-бирига туташиб кетган қинғир-қийшиқ кўчалардан ўтиб ва ниҳоят навбатдаги муюлишда одам кўплигидан сездикки, демак тўйхона шу ердайкан.***

Биродаримиз ҳар қалай ўзи қурувчи-да. Дарвозадан кираверишга, қўшқаватли данғиллама уй солибди. Ҳовли саҳнини баланд ишком қилиб, ток қаторига бир текис гул ўтқазибди. Атиргул, райҳон, жамбил... то ўсмагача бор. Ишком остига стол-стуллар қўйилган. Дастурхон деганингиз ноз-неъматларга тўла, одам дегани ғужғон ўйнайди. Санъаткорлар қарсбадабанг тўйни қиздириб ётишибди.

Биз ҳам кўрсатилган жойга ўтириб, фотиҳа ўқилгач, ярқираб турган ҳовли-жойга яна бир бор ҳавасланиб кўз югуртирдик. Дарахтлар ҳам чиройли жойлаштирилибди. Орасида сабзи, пиёз, помидор, булғор қалампири, турли ошкўкатлар яшнаб турибди. Ҳовлининг этак қисмига пастроқ девор олиниб, чорва учун бино тикланибди. Тепаси хашакхона. “Биродаримиз кўп дидли одам экан”, деган гап ўтди хаёлимиздан.

Тўйдан қайтишда яна асфальт ётқизилмаган ўйдим-чуқур, чанг-чунг кўчалардан юрдик. Кимдир кўчадан ҳовлисига бир қулоч қўшиб олган, яна кимдир тандирхонасини шундоқ йўл устига қуриб, ён-атрофини сим билан ўраб қўйган, яна бир киши шундоқ эшиги тагига икки аравача келадиган ғўзапояни том бўйи қилиб ғарамлаб қўйган... Баланд-паст, гувала деворлар. Ҳар ким имконига яраша, ўз дидига мослаб қурган уйларнинг бири куёшга қараган бўлса, бири офтобга тескари солинган. Бир уй кўча томонда бўлса, бири ҳовли этагида. Кимдир йўл томондан дераза қўйган, яна кимдир умуман дераза қўймаган. Ҳатто бир ҳовлида шундоқ уйнинг қаршисига, қўл чўзса етгулик жойга оғилхона қуриб қўйишибди.

“Бу маҳалланинг ташкил бўлганига нари борса ўн-ўн беш йил бўлди. Эски қишлоқларни кенгайтириш, тартибга солишнинг имкони йўқ, янгидан пайдо бўлаётган йўл-кўчаларимизни, ҳовли-жойларимизни нега энди дид билан чиройли қилиб қурмаймиз”, деган ўй ўтди хаёлимиздан. Шу тариқа... Наманган вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи, вилоят Бош меъмори Шавкатжон Қўчқоров билан учрашиб, бугунги қишлоқ меъморчилиги ҳақида мусоҳаба юритиш истаги туғилди.

### АБРАЙМАХСУМНИНГ ЭШАК АРАВАСИ

Аслида Шавкатжонга юқоридаги кўрганларимизни сўзлаб бермасак ҳам бўларди. Боиси, у ўзи қишлоқдан чиққан. Қишлоқнинг бугунги ҳолатини, янги маҳаллалар, деҳқон ҳовли-жойлари қандоқ қурилаётганини-ю, қандоқ қиёфа касб этаётганини яхши билади. Лекин мақсад-муддаомизни яхшироқ англатиш, вилоят миқёсидаги йирик мутахассиснинг бу борадаги муносабатини яхшироқ билиш мақсадида тўйга борганимиздаги маҳалла, кўчанинг, янги қурилган уйларнинг ҳолатини оқизмай-томизмай айтиб бердик.

-Бу гапларингиздан кейин эсимга бир воқеа тушиб кетди, айтиб берайми? – деб қолди.

-Агар мавзуга дахлдор бўлса бажонидил, - дедик.

-Мингбулоқ туманида бош меъмор эдим, - дея ҳикоясини бошлади ҳамсуҳбатимиз, - туман марказидан янги йўл ўтказиб, унинг икки чеккасини турар-жой қуриш учун одамларга бўлиб берадиган бўлдик. Жомашуй шаҳарчасида уй қуриш учун ер сўраб ариза берган юзга яқин одамни тўплаб масала моҳиятини тушунтирдик.

-Туман маркази. Бунинг устига йўл усти. Бу ердан кўпчилик ўтади. Бу ерда қурилган уй-жойлар чўлқуварларнинг диди, маданияти, турмуш тарзини кўрсатадиган кўзгудек бир гап. Шунинг учун ҳам уйлар бир-биридан кўркам ва чиройли бўлиши керак. Кўнгилларингга келмасин, лекин йўлнинг икки ёқасидан ўттизта уй қуриш учун ажратилган ер участкасини ана шундай кўркам уйлар қуришга имкони бор кишиларга беришимизга тўғри келади. Илтимос, бизни тўғри тушунинглар, - дедик. Юракдан гапирилган гап юракка тегади, демоқчи, кўпчилик бизни тўғри тушунди. Биз айтмоқчи кўркам уй қуришга имкони, хоҳиши бор ўттизта, йўқ, ўттиз битта одам қолди. Ўттиз биринчиси, автошоҳбекатда сақич, сигарет, носпос, демоқчи, майда-чуйда сотиб, қишлоқма-қишлоқ атторлик қилиб юрадиган Абрай махсум (асли оти Абдураҳим) деган бир қўли йўқ, олтмишлардан ошган киши эди.

-Абрай ака, биз айтган уйни қураверасизми? Қийналиб қолмайсизми? – дедик унга қараб.

Абрай махсумнинг ўзи шундоқ ҳам чақноқ кўзи қинидан чиқиб кетгудек бўлди.

-Нима, биз одам эмасми?

-Ундоқ демоқчи эмасмиз.

-Одам ажратяпти, деб ёзаман. Тошканга ёзаман, Наманганга ёзаман! Олмагунча қўймайман!

-Марҳамат олинг. Лекин уйни биз айтгандек қилиб қурсангиз бўлди.

-Қани беринг-чи, қўлимиздан келмаганини кўрасиз!

Бу гап-сўзлардан кейин бер-

**МУАММО**

масак бўлмасди. Инсоннинг иззат-нафси оғрингани ёмон-да. Ўттизта хоҳловчидан биттасини яхши гап билан қисқартириб, ўрнини Абрай махсумга бердик. Ҳаш-паш дегунча бири бирідан кўркам, пурвиқор бинолар қад ростлади. Бу уйлар орасида пасткина, шох-шаббаси чиқиб турган, ҳатто деворга урилган гуваласи шувалмаган, кўча дарвозаси ўрнини ўтовчи бир қанотли қийшиқ эшик олдида икки ғилдиракли араваси шотисини осмонга қаратган кўйи турадиган Абрай махсумнинг кулбаси ҳам бор эди.

Юз тавалло қилдик, ялиниб-ёлвордик.

-Ҳой, Абрай ака, эллик йилдан бери бозордасиз. Икки хонали бўлсаям, пишган ғиштдан, тагини кўтариб кўркам уй солинг! – дедик.

-Мен бир чўлоқ одам бўлсам, нима уйнинг чиройига ош қуйиб ичаманми?! – деб туриб олди.

Ўша уй ҳали-ҳануз туман маркази, ўша кўча ҳуснини бузиб турибди.

Бу воқеани эслашдан мурод: йўл ёқаларига чиройли, кўркам жамоат бинолари, савдо, маиший хизмат шохобчалари қуришга аллақачон киришганмиз. Масалан, Наманганнинг Лоласидан Қорадарёгача, Андижон вилоятининг чегарасигача бўлган катта йўлнинг икки ёқасидаги бири-биридан кўркам биноларни, Жийдакапа, Чўжа қишлоқлари марказларини олиб кўринг. Ёки Поп, Косонсой, Норин туманлари марказларидаги қурилиш-ободончилик ишларини кўринг.

**(Давоми 3-бетда)**

# ЖОНИМГА ТУТАШГАН ДАЛАЛАР

### “ҚИШЛОҒИНГНИ СОҒИНМАДИНГМИ?” МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ...

**АКС-САДО**

***Мен Чингиз Айтматовнинг “Сомон йўли” китобидаги Тўлғанойнинг Она Ер билан суҳбатини ўқиганимда кўзимдан ёш қалқиб, титраб кетаман. Зотан, дунёда ерни, тупроқни инсон қадар севган мавжудот борми?!***

Бизнинг бутун борлиғимиз, мақсад-муддаомиз, ҳаётимиз мазмуни Ер билан муштарак, уйқаш-ку!

Мен доим қишлоқни ўйласам, фарзандларим туғилган гўшани соғинаман. Тандирда ёпилган ошқовоқ сомсани, ўчоқда қайнаган қумғон чойни уларга илинаман. Пахса деворлардан оша сувратдай турган нонбеҳиларни, азамат толлар соясини, Катта Фарғона каналини илинаман. Хуллас, ана шу кенгликлар монанд кўнгиллари ҳам кенгайиб боришини истайман...

Бироқ, болаларимиз шаҳарда улғайишяпти, илм олишяпти, шаҳар ҳавосини симиришяпти. Уларнинг орзу тилаклари бетон деворлар ичида таваллуд топяпти. Бу ҳолатлар, тўғрироғи, ўкинч, менга ўхшаган юзлаб оналарга таниш.

Мен бир оилани биламан. Эр-хотин зиёли муассасаларда ишлашарди. Қачон қараманг, аёли икки боласини ёнига олиб дўхтирга чопган, топган-тутгани дори-дармонга кетаётганидан шикоят қиларди. Устига-устак, “болаларни яхши едириб, кийинтиролмаяпмиз, буларнинг билими қандоғ бўлади?” деб куйиниб ҳам юрарди. Ахийри ўша оила қишлоққа, ҳувиллаб ётган ҳовлисига қайтиб кетди. Орадан уч йиллар ўтди. Ўша қишлоққа йўлим тушиб, уларнинг уйига кирдим.

-Ер олдик, опажон, - деди у менга ҳаётини ҳикоя қиларкан. - ижарачимиз, ун тегирмонимиз бор, худога шукр, ер бизни боқяпти.

Билинтирмай, аёлнинг уйига разм соламан. Ораста, шинам, юмшоқ мебеллар, “Самсунг” рангли телевизори, қўйингки, хоналарда ҳамма шароит бор-да.

**(Давоми 2-бетда)**

**БУГУННИНГ ГАПИ**

# ЭЛ НАСИБАСИНИ ТУЯ ҚИЛГАНЛАР

***Шу кунларда Сирдарё вилоятида пахта йиғим-терими қизғин паллага кирган. Далаларда юз мингдан ортиқ теримчилар пахта тераяпти.***

Вилоятнинг қўшни давлатлар билан чегарадош ҳудудларида эса соқчилару назоратчилар ҳушёр. Мақсад – пахта хомашёсининг хуфёна “экспорти”га йўл қўймаслик. Сирдарё туманида 46 та, Оқолтинда 27 та, Мирзаободда 8 та пост ташкил этилган. Пахтани турли-туман тарзда талон-торож қилмаслик масаласига кенг жамоатчилик жалб этилган. Аммо шунга қарамай, кам бўлса-да, қонунбузарликлар содир этилаяпти.

-Шу йил 19 сентябр куни Сирдарё тумани “Янги ҳаёт” ширкат хўжалигида яшовчи Ғофуржон Пўлатовнинг уйи кўздан кечирилганда 2175 килограмм, қиймати 428025 сўмлик пахта хомашёси сақланаётганлиги аниқланди, - дейди вилоят ички ишлар бошқармаси бўлим бошлиғи Қурбон Қўлдошев.

**(Давоми 2-бетда)**

# АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ВА АМИРКОН ЧОЛ

**МОЗИЙ**

***Норин дарёсининг сўл соҳилидаги Учқўрғон бозоридан чиқар эканмиз, ҳамкасбларимиздан бири кўприкни кўрсатиб деди:***

-Мана шу кўприкнинг қоровули Амиркон чол ҳақида “Меҳробдан чаён”да ёзилган дейишади.

-Бу гапда жон бор, - тасдиқлади шерикларимиздан бири. – Лекин Амиркон чол тўғрисида “Меҳробдан чаён”да эмас, Абдулла Қодирийнинг бошқа бир асарида ёзилган.

-Амиркон чол хусусида кексалардан эшитганим бор, жуда узоқ яшаган одам экан, - суҳбатга қўшилди Учқўрғон шаҳри ҳокими Акрамжон. – Аммо чиндан ҳам Абдулла Қодирий биз тарафларга келганми?..

Қор ёғиб тургандаги кўприк, унинг мискин ва беватан қоровули (Тойир ака) ҳузуридаги Анвар ва Султонали суҳбати эсдан чиқмайди. Пастаккина қоронғи ҳужра, қатлаб тўшалган кигиз, қора қумғонда қайнаган чой кўз олдимда турибди. Яна Тойир аканинг қариган кўнгли. Адашмасам, ўша бобнинг номи ҳам ажабтовур – “Ғариб кўнгли” эди...

Биз “Ниҳол” санаторийсига бордик, дўстимизни кўрдик, тушдан сўнг қайтдик. Аммо бояги суҳбат боис миямга ўрнашиб олган бир савол сира тинчлик бермасди.

-Абдулла Қодирий Учқўрғонга қачон ташриф буюрган. “Меҳробдан чаён”дан аввалми, кейинми?

Хуллас, бошқа шериклар қайтишди, мен эса Учқўрғонда қолиб (шаҳар ҳокими кўмагида) “тадқиқот” бошладим. Дастлаб Эгамберди ота Каримов билан учрашдик:

-Амиркон чол амиркони кўндан пойафзал тикар экан, - сўз бошлади ота. – Бола-чақаси йўқ бир ғариб, ҳам одамлар меҳр қўйиб бошига кўтарадиган мўйсафид эди. Фарзандли бўлганлар узоқроқ ерлардан олиб келиб, исм қўйдириб, оғзига туфлатиб кетишган. Амиркон бува кимнинг оғзига туфлаган бўлса, юз йилдан кам яшамаяпти. Мен болалигимда кўп кўрганман. Ёркўрғон (Уйчи тумани) қишлоғидан кеп қолган экан.

**(Давоми 4-бетда)**

**ТААССУФ**

# ҚОТИЛ ЁЛЛАШДИ, ЛЕКИН...

***Хорижий давлатлар ва уларнинг жангари фильмларида ёлланма қотиллар ҳақида эшитиб, кўриб юрар эдик. Надоматлар бўлсинки, энди бундай оғир жиноий ҳодисалар Фарғонада ҳам рўй бермоқда.***

...Миллий банкнинг Марғилон бўлими бошқарувчиси ўринбосари Бахтиёр Юсупов анчадан бери осон ва катта даромад топиш йўлини ўйлаб юрар эди. Бу дардини яқин таниши Музаффар Тўхтаевга айтди. Ниятлари тез қўшилди. Маслаҳатни бир ерга қўйишди: бозордан ҳар хил эҳтиёт қисмларни улгуржи сотиб олишиб, корхона ва ташкилотларга ўтказиб фойда кўришмоқчи бўлишди.

-Пултопар фирмамизни рўйхатдан ўтказмаймиз, савдо-воситачиликни бир қотирайлик, - деди Бахтиёр Юсупов.

**(Давоми 2-бетда)**

# УЛУҒЛАР ОРАСИДА

**МУТОЛАА**

***Театр саҳнасини тақдирига айлантирган қанчадан-қанча санъаткорлар санъатнинг бошқа турларида ҳам бемалол фаолият кўрсатадилар. Миллий театримизнинг довруғ таратган бир қанча санъаткорлари қалам билан ошно, қадрдон эдилар.***

Маннон Уйғур бир неча пьесалар муаллифи бўлган. Эминжон Турдиев, Қудрат Хўжаевларнинг қалами равон эди. Зикир Муҳаммаджонов ёзувчиликка алоҳида меҳр қўйган актёрлардан бири. Унинг ўнлаб очерку юзлаб мақолалари бор. Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир Муҳаммаджоновнинг “Улуғлар орасида” китобида “Мен билган улуғлар”, “Эътироф”, “Бир асар тарихи”, “Дунё ўзи театр” бўлимлари бор. Биринчи бўлимда Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоятов, Етим Бобожонов, Шукур Бурҳонов ҳақидаги бадиалар ўрин олган. Санъатсеварлар номлари зикр этилган тўрт санъаткорни яхши биладилар. Лекин Зикир Муҳаммаджонов Маннон Мажидовнинг қандай қилиб Уйғурга айланиб қолганини, бу санъаткор ҳақли равишда жадидларнинг эътиборли сафидан жой олишга лойиқлигини кўрсатиб беради. Қизиқарлиги шундаки, 30-йиллардаги қатағон сал бўлмаса Маннон Уйғурни ҳам ўз домига тортиб кетаёзган экан. Агар Али Ардобус – машҳур раққос, Маннон Уйғурнинг қайниси уни Волга бўйларига олиб кетиб қолмаса, санъаткорнинг ҳаёти фожиали тугаши мумкин экан.

Зикир Муҳаммаджонов Аброр Ҳидоятов ҳақида меҳр билан ёзади. Аброр Ҳидоятов табиатан фариштали, файзли инсон бўлган: одамлар беихтиёр бу одамга яқинлашганлар, унга қалблари тўридан жой берганлар. Шукур Бурҳон ҳақидаги бадиада бир фикр илгари сурилади. Шукур Бурҳонов умр бўйи Отелло ролини ижро этишни орзу қилган. Унга бундай имконият берилган ҳам эди.

**(Давоми 4-бетда)**

**КЕЛГУСИ СОНДА:** ҲУҚУҚИМНИ АНГЛАБ ЕТДИМ | САВОБ | ЭРТАКЛАР ЭЗГУЛИККА ЕТАКЛАР

# БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

## ЎЙЛАМАЙ АЙТИЛГАН ГАП

***Узоқ Фин қўлтиғида ҳарбий мажбуриятни ўтаб, 1985 йили жонажон қишлоғимга эсон-омон қайтдим. Қоқ туш пайти. Бир зумда бутун қишлоқ аҳли йиғилди. У вақтлар солдат келса ҳамма қувонарди.***

Хуллас, эртаси кунига тўй белгиланди. Отам семиз қўйни атаб қўйган экан. Тўрт тарафга хабарчилар кетди. Бироқ.. тонг саҳар отамнинг онаси бандаликни бажо келтириб қолдилар. Одамлар тўйга эмас, таъзияга кела бошлашди. Улар дастлаб юзларига фотиҳа тортишар, сўнгра «солдат ким? «, деб чопон кийганлар ичидан мен билан кучоқлашиб, «яхши келдингми, бардам бўл», дейишарди.

Орадан 3 ой ўтди. Пахта терими бошланди. Қишлоқнинг ёш-у қариси даладамиз. Нима бўлди-ю, аниқ эслолмайман, Санобар хола билан арзимаган нарса устида тортишиб қолдим.Аччиғини босолмаган хола барчага эшиттириб, «Сен армиядан келиб, элга тўй қилиб берганинг йўқ, бошқаларнинг ҳаммаси тўй қилган», деб юборди. Шу гапни ким эшитган бўлса, барчаси менга тикилиб қаради.

Санобар янганинг фақат уч ўғли бўлиб, тўнғичи мактабни тугатаётган эди.

-Сизнинг ўғлингиз ҳам армиядан келганда, ҳовлингизда тўй эмас, аза бўлсин,-деб юбордим.

Ўшанда Санобар янганинг тиз чўкиб, кўзлари дарё бўлиб, «гапингни қайтиб ол», дея илтижо қилгани ҳануз кўз олдимдан кетмайди.

**Мақсуд АКРАМОВ**

## "КЎРМАГАННИНГ КЎРГАНИ ҚУРСИН..."

***Эркин ўзи ишлаб юрган корхонага директор бўлдию, бутунлай ўзгарди-қолди. Юриш-туришидан тортиб муомаласигача. Буни айримлар "раҳбарлик ҳавоси-да", деса, айримлар "кўрмаганнинг кўргани қурсин" дейишди...***

Саттор ака йигирма йилдан буён ён қўшни. Оғиригаям, енгилигаям шерик. Худди ака-укадек бўлиб кетишганди. "Мансаб муборак" қилган ҳам биринчи Саттор ака бўлди.

Саттор аканинг пешонасида бормикан ёки фалокатми, катта ўғли аварияга учраб шифохонага тушди. Врачлар операцияга фалон пул олиб келишни сўрашди. Бу гапдан Саттор ака гангиб қолди ва минг бир хижолат билан Эркинникига ўтди. Эшикдан кириши билан кўзи ҳовлида майкачан юрган кишига тушди. Эътибор бериб қараса, Эркин...

-Э-э... қўшни, сизмидингиз?..

-Нимайди?

-Озроқ пул керак эди. Неварангиз операция бўладиган бўлиб қолди. Шунга...

Эркин пинагини бузмади. Ҳеч нарса эшитмагандек Саттор акага юзланди. Саттор дудуқланганча яна гапини такрорлади. Шундан сўнг Эркин узоқдан гап бошлади.

-Ҳозир пул топиш қийин. Аҳволни ўзингиз кўриб турибсиз. Бизам ойликка қараган одам. Унча пул йўқ-да!

Саттор ака индамай чиқиб кетди. Ўша куни қишлоқда кирмаган эшиги қолмади. Ҳайтовур, Тоштемир савдогар ҳожатини битказа қолди.

Ўғли операциядан яхши чиқди. Ҳеч нима кўрмагандек бўлиб кетди. Шифохонадан чиқариб келгач, худо йўлига ош бермоқчи бўлиб қўни-қўшниларни чақирди. Ҳамма келди. Фақат Эркин йўқ. Тоштемир савдогар уни ўғли билан машина бозорига кетганини айтди.

Одамлар тарқалишди. Меҳмонларни кузатгани Саттор ака кўчага чиқди. Шу пайт "тез ёрдам" машинаси келиб тўхтади. Машинадан кийим-боши қон бўлганча Эркиннинг ўғли тушди. Унинг айтишича, ҳалокатга учрашибди. Отаси операция столида эмиш...

**Саид РАҲМОНОВ**

## ЯХШИ НИЯТ ҚИЛИНГ...

***"Яхши ният қилинглар. Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар омин дейди". Уруш даврида қишлоқ советига ва колхозимизга раислик қилган Жўра Тўхта бу матални тез-тез такрорлаб турар эди. Бунинг боиси нимада экан-а? Айтаман деса бошқа матал ёки ибратли гаплар ҳам кўп-ку. Раис буванинг катта фарзанди, менинг қадрдоним Муҳаммадсиддиқ ака саволимга жавоб бўлармикан, деб отасидан эшитганларини ҳикоя қилиб берган:***

"Мудҳиш уруш йиллари. Қишлоқда эркак зоти қолмаган ҳисоб: жангга яроқлилар фронтда, ишга яроқлилар меҳнат батальонида. Қўшу омоч, кетмону ўроқ аёллар қўлига ўтган. Оғир меҳнатга чидаб келаётган аёл бели "қора хатлар"га дош бермайди – букилиб синаман дейди. "Хотин кишининг жони қирқта" деган гапга ўшанда иқрор бўлганман. Аёлларимиз раис сифатида менга ҳам, бригадирларга ҳам, бошқаларга ҳам зорланмадилар. Улар Яратганнинг ўзигагина илтижо қилдилар: хотиннинг эри, сингилнинг акаси, онанинг боласи урушдан қайтса бас.

Боласини жангга жўнатган Энажон хола зорланади: "Э, худо, ўғлим Халилни оёқсиз бўлса-да, қўлсиз бўлса-да, урушдан омон қайтар". Боласини жангга жўнатган Зулфи кампир илтижо қилади: "Э, худо, Тожали якка ўғлим, отаси йўқ. Мени боқадиган ҳам, кўмадиган ҳам шу. Ўзинг раҳм қил, ўғлимни етти мучасини соғ қилиб қайтар".

Уруш тугади. Халил аскар қишлоққа омон, лекин бировнинг етовида кириб келди – снаряд портлаб кўзлари ва миясига шикаст етказган экан. Тожали аскар эса онаси олдига соғ-омон ўзининг оёғи билан кириб келди. Оналар илтижо қилганда фаришталар омин дейишган экан-да!"

Дўстимнинг ҳикоясини тинглаганимда раҳматли Жўра Тўхта буванинг одамларга айтиб юрадиган маталида катта маъно борлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

**Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ**

## СИР СИРЛИГИЧА ҚОЛГАН

***Эргаш бобо урушда ўнг қўлидан яраланган. Мамат бобо эса бир оёғидан ажраб келган. Эргаш бобо урушдан олган медалларини тақиб юришни яхши кўрса, Мамат бобо фақат хотира кунлари бир кун ийманибгина орден-медаллар тақилган костюмини кияди. Шуниси қизиқки, чойхонадами, бошқа учрашувлардами "немиснинг боплаб адабини берганлиги" ҳақида лоф ураётган Эргаш бобо Мамат бобони кўрса кўзлари жовдираб, тили айланмай қолади ёки гапни бошқа мавзуга буриб юборади. Бу сафар ҳам шундай бўлди.***

-Қиш, совуқ, қирқ иккинчи йилмиди-ей, ёдимда йўқ. Немислар танки бостириб келяпти, еру кўк ларзага тушган. Шундоқ тўпга снарядни солдиму, танкани нишонга олдим, немис танкаси ёниб кетди.

-Яшавор, маладес, - деди командир. Бундоқ қарасам иккинчиси ўрмалаб келяпти. Уни ҳам бир урушда ёндириб юбордим. Шундоқ қарасам ён томондан...

Шунда Эргаш бобо ён томонга қаради-ю, ҳозиргина кириб келган Мамат бобони кўриб тахтадек қотди, тили айланмай қолди.

-Ҳа, гапир. Нимага тўхтаб қолдинг? – деди Мамат бобо.

-Ҳа, энди ёшлар жасоратли бўлсин деб... – чайналди Эргаш бобо. – Энди у кунларни бизлар кўрдик, ёшлар кўрмасин.

Мамат бобо индамади. Шундай бўлса-да орада ҳеч ким билмайдиган қандайдир сиру синоат борлигини ўтирганлар сезишди. Бу ҳақда Мамат бобо ҳам, Эргаш бобо ҳам ҳеч кимга оғиз очмас эди. Лекин Эргаш бобонинг Мамат бобо олдида нимагадир тили қисиқ эканлигини ҳамма сезиб турарди...

**Шомурод МУРОДОВ**

# ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ

***Бир-бирига меҳрли бўлиш, бошига мусибат тушганда чин дилдан ёрдам бериш, суянчиқ бўлиш инсонийликнинг энг яхши фазилатларидан биридир.***

Бу ҳолат аслида ҳар бир кишининг инсонийлик бурчидир. Дарҳақиқат, инсон қадри баланд. Қадрининг паст кўрилмаслиги эса ҳар қандай шахснинг янада илғор, янада фаол бўлишига ўзига хос даъват, дейиш мумкиндир, балки. Қандай кўринишдан қатъий назар, аввало, инсон манфаатлари устун қўйилган жамиятнинг эртаси бор. Мамлакатимизда ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан фуқароларнинг хоҳиш-истакларига, уларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлашга қаратилган кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Чунки ҳар қандай ҳуқуқий-демократик жамиятда авваламбор инсон манфаати ҳар томонлама ҳимоя қилинади.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларга нисбатан бағрикенглик қилишда Президентимизнинг "Амнистия тўғрисида"ги Фармони ҳам алоҳида аҳамиятга молик. Мазкур Фармонлар шу давргача ўн беш маротабага яқин эълон қилинди. Ушбу авфлар туфайли қанчадан-қанча маҳкумларнинг жазо муддати қисқартирилишига ёки умуман жазодан озод этилишига сабаб бўлди. Оқибатда қанчадан-қанча оилаларнинг бағри тўлди, дилларда шоду хуррамлик, хурсандчилик бўлди. Она фарзанди билан, аёл турмуш ўртоғи билан, фарзандлар ота-оналари билан эртароқ дийдор кўришиши насиб этди. Авф туфайли минглаб маҳкумларнинг гуноҳлари кечирилди.

"Амнистия тўғрисида"ги Фармоннинг охиргиси ўтган йилнинг 3 декабрида чиққан эди. Ушбу авф туфайли Жиззах вилоятида ҳам бир қанча маҳбуслар кўнгилларига илиқлик, эртанги кунга ишонч туйғулари кирди. Вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Баҳодир Абдухолиқовнинг маълум қилишича, ўтган йили ва жорий йилнинг март ойигача 2027 нафар маҳбусга амнистия қўлланилди ва шулардан 1248 нафари муддатидан олдин жазодан озод этилган.

Шайтон сўзига кириб турли-туман номақбул ишларга қўл уриб, охир-оқибат жазога гирифтор бўлганларга кўрсатилган мурувват уларга нисбатан яна бир карра синов бўлди. Зеро, энди улар ҳаётда тўғри йўлни танлаб, яна хатоликка йўл қўймасалар. Жазодан озод этилганидан сўнг собиқ маҳкумнинг ҳаётда ва жамиятда ўз ўрнини топиб олиши учун эса ўзгаларнинг кўмаги, эътибори зарур. Уларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш, эркин ҳаётга кўникма ҳосил қилиш собиқ маҳкумлар учун ниҳоятда аҳамиятлидир.

Худди ана шу мақсадда айни пайтда республикамизнинг ҳар бир вилоят ва туманларида "Кўникма" марказлари, жазони ўташ муассасаларидан озод бўлганларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш комиссиялари фаолият юритмоқда. Уларнинг мадади билан собиқ маҳкумлар жамиятда ўз ўринларини топиб олишаётир. Жиззах вилоятида ҳам ҳокимлик ҳузуридаги озодликдан маҳрум қилиш, жойлардан ва қабул тақсимот бўлинмаларидан келган фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш "Кўникма" маркази фаолият юритади.

**ФАРМОН ВА ИЖРО**

-Айни пайтгача марказларимизга собиқ маҳкумлардан 174 таси мурожаат қилди, - дейди марказ раҳбари Искандар Наҳалбоев – Шулардан 107 нафари ички ишлар идоралари тавсияси билан, 76 нафари амнистия туфайли муддатидан олдин жазодан озод қилинганлар. Жорий йилнинг сентябригача уларга 4706730 сўм миқдорида моддий ёрдам берилди. 106 нафари иш билан таъминланди. Берилган ушбу кўмак туфайли уларнинг кўпчилиги ҳаётда ўз ўринларини топиб, жамиятимизнинг фаол фуқароларига айланишди.

Кўриниб турибдики, "Кўникма"ларнинг фаолиятлари собиқ маҳбусларнинг ҳаётини изга туширишда қўл келаётир. Маълумки, собиқ маҳбусларга кўп ташкилотларда бошқачароқ кўз билан қарайдилар. Яъни, хавфсираб ва ишонмайроқ. Шу сабаб иш сўраб келганларига турли баҳоналарни рўкач қилишади. Шунда уларнинг баъзилари яна жиноят оламига кириб кетадилар. Шу ўринда "Кўникма" жазодан озод бўлганларнинг ишончли воситачисидир. Жиноятга қайтадан қўл урмаслик, тўғри йўлга киришлари уларнинг ўзларига боғлиқ. Марказлар эса имкон қадар уларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларини олдини олишга ҳаракат қилади.

Баъзан кишига салгина мадад ҳам қайсидир маънода ёрдам бериши шубҳасиз. Қандайдир жиноятга билиб-билмай (албатта, ана шуниси асосийси) кирган шахс, аввал, айби исботлангунча айбланувчи, сўнг маҳбус ҳисобланади. Лекин жазодан қутилиб чиққанидан сўнг-чи? Бундан кейин атрофдагилар унга ҳадиксираб қарамаса, қўлини бигиз қилиб кўрсатмаса (айниқса адашганларга) албатта у шуни хоҳласа ҳаёт уммонига шўнғиб, ўзининг йўлини топиб кета олади. Ана шуниси муҳим. Ана шуниси аҳамиятли. Қолаверса, улар ҳам инсон. Инсон қадри эса улуғ. Аммо яна таъкидлашимиз мумкин, қадрининг камситилмаслиги уларнинг ўзларига боғлиқ.

Шуни ҳам айтиш жоизки, яқинда Президентимизнинг яна бир "Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида"ги Фармони матбуотда эълон қилинди. Бу ҳам қайсидир жиҳати билан амнистияга боғлиқ. Бу ҳам Президентимизнинг ўз халқига мурувватли, бағрикенглиги. Мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик жамият қуриш, инсон манфаатларининг устун қўйилиши сиёсатимизнинг бош омили эканлигини исботлайди. Шундай экан бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳали давом этаверади. Чунки, инсонпарварлик тамойилларига амал қилиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ўз ифодасини топган.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

# КУЗГИ МАВСУМ ИШЛАРИ КЕЧИКМАСИН

***ЖИЗЗАХ /ЎзА мухбири Тошқул БЕКНАЗАРОВ/. Вилоят ҳокимлигида пахта ҳосилини нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ва кузги дон экиш ишларининг аҳволига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.***

Бу йил 95 минг 259 гектар майдонда ғўза парваришлаган жиззахлик пахтакорлар давлатга 230 минг тонна пахта сотишга аҳд қилган.

Кўкламнинг ноқулай келиши туфайли ғўза ривожи кечиккан бўлса-да, далаларда мўлжалдаги ҳосил тўпланган, дейилди йиғилишда. Айни пайтда ҳосилнинг чўғи ҳам, амалга оширилаётган ишлар ҳам ўтган йилга нисбатан бир мунча яхши.

Пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш, теримни уюшқоқлик билан ўтказиш лозим. Айниқса ғўза ривожи орқада бўлган Зомин, Зарбдор, Жиззах ва Арнасой туманларида ишни жадаллаштириш зарур.

Йиғилишда кузги дон экишни 1 ноябргача тугаллаш, униб чиққан майсаларни парваришлаш ва қишлоқ хўжалигига оид бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

Йиғилишда Жиззах вилояти ҳокими У.Яманқулов қатнашди.



**Бекобод туманидаги "Далварзин таъмирлаш заводи" ҳиссадорлик жамияти мана бир неча йилдирки республикамиздаги барча касб-ҳунар коллежларини автомобиль ва қишлоқ хўжалиги технологиялари макетлари, техник-ўқув кўргазмали қуроллар билан таъминлаб келмоқда. Бу эса талабаларнинг чуқур билим олишига имкон яратмоқда.**

**СУРАТДА: чилангар Ҳасанбой Олтмишев.**

Б.АКРАМОВ олган сурат.

# ЖОНИМГА ТУТАШГАН ДАЛАЛАР

**(Боши 1-бетда)**

Дастурхони ҳам тўкин, олма, узум, ёнғоқ (деярли ҳамма неъматларни еридан – томорқасидан етиштирган эканлар). Гап орасида фарзандларининг соғайиб кетганини айтиб шодликдан кўзлари намланиб кетди.

Демак, инсон моддий ва маънавий ҳаётининг юксалишига ҳеч қачон қишлоқ аталмиш табаррук қадамжолар тўсқинлик қилолмайди. Зеро, одам, яратиш, яшнатиш қайғуси билан умр ўтказяптими, у тўкин яшашга ҳақли.

Бироқ, масаланинг бошқа томони ҳам бор. Кўп ёшлар ўз манфаати йўлида шаҳарда қолиб кетаверадилар, элнинг юкини кўтариш ҳақида ўйламайдилар. Шундай ишбилармон, дўпписи ерга тушса, пул бериб олдирадиган йигитлар борки, улар шаҳарда данғиллама уйлар қуришган. Аммо она қишлоғига ақалли сув, газ олиб келиш, йўлини асфальтлаш ҳақида заррача ўйлаб қўймайдилар.

"Қишлоғингни соғинмадингми?" мақоласида шифокор йигитнинг фаолияти жуда таъсирли келтирилган. Бундай воқеаларга мен ҳам кўп маротаба гувоҳ бўлганман. Очиғи, қишлоқ мактаблари, врачлик пунктлари, шифохона, боғча ташкилотларида янгича иш юритмоқчи бўлган мутахассис тўсиқларга кўп учраяпти. Сабаби унинг раҳбари ҳамон эскича фикрлайди, янги ғоя, янги амалиётни қабул қилолмайди, эҳтиёткор бўлганим маъқул, қабилида иш тутади, барибир уни ўз қолипига солиб қўяди. Алалоқибат мутахассис ўсишдан тўхтайди. Ҳолбуки, изланиш учун имконлар яратиш мумкин эди. Шу боис шаҳардаги боғча мудираси билан қишлоқдаги боғча мудираси орасида ҳар жиҳатдан фарқ бор. Бошқа соҳа одамлари ҳам шундай. Биз бу тафовутни инкор этолмаймиз.

Назаримда, ёш, билимли мутахассисларни қишлоқ ҳудудларига йўллаш керак. Журналист Фарида Маҳкамова ёзганидек, йўқса, қачон қишлоқлардаги турмуш даражасини кўтариб, шаҳарларимиздек гўзаллаштирамиз?

Ёшлар мени кечирсинлар-у, уларда андак журъат етишмайди, Қишлоқда ишсиз, номсиз қолиб кетишдан қўрқиш туйғуси кучли. Ана шу хавотир уларнинг қишлоққа қайтишига монелик қилади.

**Маъмура АБДУРАҲИМОВА,**
**журналист.**

# ЭЛ НАСИБАСИНИ ТУЯ ҚИЛГАНЛАР

**(Боши 1-бетда)**

– Тергов жараёнида Ғ.Пўлатов бу пахта хомашёсини Бахт шаҳрида яшовчи Бахтиёр Жалилов Сайхунобод тумани "Шўрўзак" ширкат хўжалигининг пудратчиси Ўктам Болибековга тегишли даладан териб, йўловчи машиналарда унинг уйига ташиб келтирганини, у эса пахтани сотиб, пулини бўлиб олишлари кераклигини маълум қилган. Ушбу ҳолат бўйича Сирдарё тумани ИИБ томонидан жиноят иши қўзғатилиб, Ғ.Пўлатовга нисбатан эҳтиёт чораси қўлланган. Жиноятда ташкилотчи бўлган Б.Жалиловни қидириб топиш чоралари кўрилмоқда.

Яна бир ҳолат. 2003 йил 2 октябрга ўтар кечаси қозоғистонлик, муқаддам судланган Абдумўмин Нуримбетов яширин йўллар билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ўтиб, оқолтинлик Ширин Ходжиевнинг даласидан ярим тонна пахтани яширинча териб олиб, ўғирлаб Абай номли канал орқали Қозоғистон Республикасига олиб ўтаётганда ушланган.

-Қозоғистондаги ҳудудларда кўсак қурти тушиб бу йил пахта яхши бўлмаяпти, - дейди айбдор. – Деҳқонлар эса кўп фирмалар билан шартнома тузишган. Шартномани эса бажариш керак. Мен ўғирлик қилишга мажбур бўлдим. Аммо қилмишимдан пушаймонман...

Бу икки ўғирликни Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахслар қилишган, ўзимизникилар-чи?

-23 сентябр куни Сирдарё туманидаги "Малик" ширкатлар уюшмасида яшовчи Омонгелди Орзиқулов ва яна 8 киши 830 кг пахтани эшак-аравага юклаб Қозоғистон Республикасига олиб ўтмоқчи бўлганларида ушланиб, эл-юрт олдида шармандаю-шармисор бўлдилар? – дейди вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори М.Эшназаров.

-Ушбу ҳолат биз учун уятли иш бўлди, - дейди "Малик" ширкатлар уюшмаси бош ҳосилоти Омонбой Раҳмонов. – Хўжалигимизда майдонларни қўриқлаш учун 9 та гуруҳ тузганмиз. Кеча-кундуз навбатчилик ташкил этганмиз. Очиғини айтганда, ўша ўғриларни ўзимиз милиция ходимлари билан бирга ушлаган эдик. Мен ҳам ўша куни навбатчиликда эдим.

Алам қиладиган жойи – ўша Орзиқулов Омонгелдининг укаси Орзиқулов Алимнинг 10 гектар ери бор эди, рўзғорини, тирикчилигини шу ер орқали боқар эди. Нонкўрлик қилди. Йиғилиш ўтказиб ер майдонини бошқа одамга олиб бердик. Ўғрилар жаримага тортилди.

Пахта ўғирлаган Абдулла Деҳқонов билан суҳбатлашдик.

-Қилмишимдан пушаймонман, ўзим "Бахт" касб-ҳунар коллежида ўқийман, - деди Абдулла Деҳқонов. – Пул керак бўлиб қолди. Онам ширкатда ишлайди, ойлик йўқ, тавбамга таяндим. Энди ўйлаб қарасам катта хато қилган эканман.

"Малик" ширкатлар уюшмаси бош ҳисобчиси Абдуғаффор Кенгашев шундай деди: -Тўғри, иш ҳақидан 10-12 миллион қарзимиз бор. Август ойини тўлиқ берганимиз йўқ.Чунки шу пайтгача ғаллани пули тушгани йўқ-да.

Келинг, энди бир мушоҳада юритайлик. 1 гектар ерда пахта етиштириш учун камида 70 кг чигит, 290 кг ўғит, 278 литр дизел ёнилғиси, 208 минг сўм иш ҳақи, 30-40 минг сўмлик сув сарфланади. Бундан ташқари пахтакор деҳқоннинг ҳаловатсиз кунлари-ю, ташвишларини айтмайсиз? Бир тонна пахта бу – 320-340 кг тола, 540 кг чигит, 60 кг ёғ, жами 500 минг сўмлик маҳсулот демакдир.

Нега энди оғзимиздаги ошни олдириб дастурхонимиздаги нонни талатиб ўтирар эканмиз?

-Оқ пахтани ўғирлаб сотиш, она сутини сотиш билан баробар, - дейди Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон, - фақатгина иймонини ютган кишигина ана шундай нопок ишлар билан шуғулланиши мумкин.

Пахтани сотиш диёнатни пуллаш билан баробар. Шу боис посбонларнинг айтишича, бундан буён Сирдарёдан бир килограмм ҳам пахта четга чиқмайди. Чегара ҳудудларида олиб борилаётган чора-тадбирлар жамоатчиликнинг шу кунларда олиб бораётган ишлари бунга кафолат беради.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ҚОТИЛ ЁЛЛАШДИ, ЛЕКИН...

**(Боши 1-бетда)**

-Биламан, ака, таниш-билишларингиз кўп, ҳеч ким "ғинг" демайди, - деди унинг гапини маъқуллаб Музаффар Тўхтаев. – Лекин...

-Нима, лекин?

-Пулни қаердан топамиз?

Б.Юсупов ишнинг бу нозик томонларини ҳам ўйлаб қўйган эди.

-Пулни топиш менинг зиммамда, - деди у шеригига. – Эҳтиёт қисмларни Тошкент бозорларидан олиб келиш эса сизнинг зиммангизда.

Иккови тилни бир қилиб ишга киришишди. Б.Юсупов, хусусий тадбиркор Улуғбек Қориевдан қарз олишни мўлжаллаган эди. Сўраса йўқ демайди, "ўтказиб" қўйган жойлари бор. 2002 йилнинг 2 августида шу тадбиркорни мингта ваъда билан ишонтириб, "тижорат ишлари билан шуғулланмоқчиман, бир ойга, холос", деб 14 минг АҚШ долларини (ўша пайтда ўзимизнинг пулга 18 миллион сўмга тўғри келган) олади ва шеригига беради.

Ваъда қилинган муддат келгач, У.Қориев берган қарзини сўрайди. Б.Юсуповнинг қарзни қайтариш нияти йўқ эди. Шунинг учун яна аврашга ўтади:

-Ишларимиз юришиб турибди, лекин пулларни яна айлантиришга қўйганмиз. Яхшиси, "кўки"дан яна қарз бериб туринг, катта фойдага шерик бўласиз.

У.Қориев ишонқирамайроқ турган эди. Б.Юсупов шундай бир "сеҳрли сўз" ишлатди:

-Фойда қўлимизга келиши билан сиз банкимиздан олган 30 миллион сўм кредитнинг 8 миллион сўм бўладиган фоизини ҳам биз тўлаймиз.

Бунга яна чиппа-чин ишонган У.Қориев Б.Юсуповнинг "қичишиб" турган кафтига сентябр ойи давомида 7 миллион 900 минг сўмни олиб келиб ташлади. Бунга кредит фоизини ҳам қўшсак, Б.Юсупов 33 миллион 900 минг сўм қарздор бўлиб қолди. Қарзнинг қайтиши даргумон бўлиб бораётганидан У.Қориевнинг ҳаловати йўқолди. 2002 йилнинг 12 декабрида Б.Юсуповнинг кабинетига кирди-да, қарз масаласини кўндаланг қўйди:

-Берган пулларимни қайтаринг! Бўлмаса, тегишли идораларга мурожаат қиламан.

Б.Юсуповнинг юраги қинидан чиқиб кетаёзди.

-Ҳали менга ишонмаяпсизми? – деб илтижо билан сўради У.Қориевдан. – Ишонмасангиз, сиздан 33 миллион 900 минг сўм қарздорлигимни тасдиқлаб тилхат бераман. Бировнинг ҳақини еб кетадиган номардлардан эмасман.

Бу сафар У.Қориев тилхатни кўксига босиб, Б.Юсуповнинг қарзини қайтаришига умидвор бўлиб чиқиб кетади. Уни қўли кўксида кузатиб қўйган Б.Юсупов енгил нафас олади...

-Бўлди, бас, етар! Пулларимни қайтаринг! Муддати тугади, фойдаси ҳам керак эмас! - У.Қориев Б.Юсуповни қистовга олди.

-Хўп, бугун уйингизга пулларни олиб ўтамиз! – деб Б.Юсупов яна ишонтира олди. Шу йилнинг 18 мартида шериги М.Тўхтаев билан У.Қориевникига боришди: қуруқ қўл билан. Ниятлари яна бу содда тадбиркорни чув тушириш эди.

-Гап бундай, - дейди Б.Юсупов У.Қориевга мулойимлик билан. – Қарздан тонмаймиз. Тилхат ҳам ёзиб берганман. Лекин тижоратимиз охирига етмай турибди. Ишни юргизиш учун яна бизга пул керак. Камида 10 миллион сўм бўлса, етади. Бўлмаса, ҳамма пулга куйиб қолишимиз мумкин. Қарзларни тўлаш кафолатини берамиз. Керак бўлса, яна тилхат ёзиб бераман.

"Банк бошқарувчиси ўринбосари бўла туриб мени алдармиди?" деган ўйга борган У.Қориев яна таваккал қилиб, "тадбиркор"ларга 10 миллион сўм қарз бериб, 43 миллион 900 минг сўм қарздорлик тасдиқланиб ёзилган тилхатга эга бўлиб қолаверди.

Эртасига эса... Эртасига эса Б.Юсупов шериги М.Тўхтаев билан ғирром бир режа хусусида маслаҳатлашди:

-Қарз ҳам "осилиб" кетди, - деди у шеригига астагина. – Узиш қўлимиздан келмайди. Шу қарз билан бирга қарздордан ҳам кечиб қўя қолсак-чи?!

-Қандай қилиб? – гап тагидаги нимкосани илғаган М.Тўхтаев ўзини соддаликка солиб сўради.

-Тинчитамиз-да, бирортасини ёллаб, ундан қутулиш мумкин, -. аниқ қилиб айтиб қўяқолди Б.Юсупов. – Улуғбек Қориев бирор ерга устимиздан шикоят қилса, тамоммиз! Шунинг учун уни тезроқ бир ёқлик қилиш керак.

-Шунақа "қора иш" қўлидан келадиган бир одамни биламан, - деди шунча катта қарздан осонгина қутулишни ўйлай бошлаган М.Тўхтаев. - Ўзиям икки марта судланган. Одам ўлдириш унга ўйинчоқ. Хоҳласангиз, эртадан кейин уни сиз билан учраштираман.

Улар учрашди. Марғилон шаҳридаги "Шеробод" чойхонасида маслаҳатни "пиширишди". Б.Юсупов ёлланаётган қотил Лазиз Абдулазизовга ёвуз ниятларини очиқ айтиб, агар шу қотилликни амалга оширса, 5 минг АҚШ доллари беришини шипшиди.

Л.Абдулазизов ҳам анойилардан эмас эди. Икки бор судланиб, бурнига сув кирган, "зах камераларни энди елкамнинг чуқури кўрсин", деб қўйган эди. Лекин тайёр пулдан ҳам воз кечиб бўлмайди. Уларни лақиллатиб, беш-ўн кун таралабедод қилиб олса-чи! Бу ҳам бир ўйин-да!

-Пулни олдиндан берасизлар!- деди у Б.Юсуповга айёрона жилмайиб.

–Олдиндан 2000 "кўки"ни оласиз. Ўша одамни 2003 йилнинг 6 апрелигача ўлдирсангиз, қолганини ҳам оласиз – деди Б.Юсупов.

-Майли, - деди қотиликка ёлланаётган йигит. Унга шу куни 1500 АҚШ доллари, орадан 2-3 ўтказиб уйида яна 200 АҚШ доллари беришади.

"Ўлишидан олдин ҳам Улуғбек Қориевдан қарз олиб қолайлик!" Роса фириб ва товламачилик йўлига кириб қолган Б.Юсупов ва М.Тўхтаевлар 2003 йил 2 апрел куни ана шу ноинсофона мақсадларини ҳам амалга ошириб қолиш учун У.Қориевдан яна 3 миллион сўм қарз кўтаришади. У.Қориевнинг яна бир билатуриб чув тушаётганига соғлом ақлли одам ҳайрон қолади. Б.Юсупов бу сафар 46 миллион 900 минг сўм қарздорлиги ҳақида тилхат ёзиб беради. Шунча пулга қўрқмай тилхат ёзиб бераётган қўллари ҳам қалтирамайди. Чунки, эрта-индин ёллаган қотили бу одамни асфаласофилинга жўнатади...

-Ишни тезлатинг! – шундай буйруқ билан икков ҳамтовоқ ёлланган йигитга яна 300 АҚШ доллари беришади. Бу йигит эса долларни "қора бозор"да сўмга айлантириб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборди. Қотилликни содир этиши мўлжалланган кун эса хавотирга тушди. Нияти аниқ – бу ишга қўл урмайди. Пул олиб еб юборган. Нима қилиши керак? Айтилган одамни гумдон қилмаса, унга қўшиб ўзини ҳам йўқ қилишлари мумкин. Чунки, уларда пул кўпга ўхшайди.

Л.Абдулазизов шу йил 6 апрел куни эрталаб У.Қориев олдига бориб, ҳамма гапни айтиб берди...

Жиноят ишлари бўйича вилоят судининг шу йил 17 июл кунги йиғилишида юқоридаги жиноий гуруҳ иши кўриб чиқилиб, амалга ошмай қолган қотиллик ташкилотчилари - Б.Юсупов, М.Тўхтаевларга узоқ муддатли жазо тайинланди. Л.Абдулазизов эса 2 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Юқоридаги жиноий ҳолат таҳлил қилиб кўрилса, унинг келиб чиқишига асосан У.Қориевнинг ўз ҳақ-ҳуқуқини билмаслиги, қайта-қайта алданаётганини билса-да, бу ҳақда тегишли идораларга ўз вақтида хабар қилмаганлиги сабаб бўлди. Ёлланма қотил хабар бермаганида, ким биларди, бу ёвузона алдамчилик ҳолати қачонгача давом этарди?

**Ш.РАҲИМОВ,**
**Фарғона вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори.**

# ДАНҒИЛЛАМА ҲОВЛИ КИМНИКИ?

(Боши 1-бетда)

Қишлоқлар қиёфаси катта йўлдан қараганда бинойидек. Лекин, сиз айтмоқчи, ичкари кўчалар, янги маҳаллалар... Очиғи, бу ерлардаги уй-жой қурилиши ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ҳар ким хоҳлаганича қуриб ётибди. Оқибат, яна ўша алмисоқдан қолган қишлоқларни эслатувчи қинғир-қийшиқ кўчалар, бир шамолга чидамайдиган кўримсиз, омонат уйлар пайдо бўлмоқда.

Ваҳоланки, ривожланган хорижий давлатларда энг аввало, пайдо бўладиган шаҳар-қишлоқлар учун жой ажратишдан олдин йўллар, коммуникация масалаларини ҳал қилиб олишади. Меъморнинг иштирокисиз, лойиҳасиз кечирасиз-у, ҳатто ҳожатхона ҳам қуришмайди...

## ЧУМЧУҚ СЎЙСА ҲАМ...

Янги пайдо бўлаётган қишлоқлар, деҳқон уй-жойлари замон талаби асосида қурилмаётган экан, хўш, бевосита шу ишларга бош-қош бўлиши керак бўлган Шавкат Кўчқоров бошлиқ вилоят меъморлари нега қўл қовуштириб ўтиришибди?

Кўчқоровга ана шундай кўндаланг саволни бердик.

-Қурилиш борасида маълум ишларни амалга оширяпмиз, - деди у, - жумладан, вилоятимизда 522 та қишлоқ бўлиб, яқин йилларда 137 та қишлоқнинг бош лойиҳасини ишлаб чиқишимиз керак. Ҳозир шу устида ишлаяпмиз. Президентимизнинг болалар спортини ривожлантириш ҳақидаги Фармонларига жавобан шу йилнинг ўзида вилоятимиз қишлоқларида 6 та болалар спорт мажмуалари қурилиши керак. Бу ҳам бизнинг назоратимизда турибди. Туманларда ўнлаб коллежлар, мактаблар қад ростлаяпти. Энди бевосита сизни қизиқтирган савол: қишлоқ қиёфаси ва бу масалага бизнинг муносабатимиз мавзусига келсак, қишлоқларда уй-жой қуриш учун талабгорларга ер участкасини хўжалик ер тузувчиси ажратиб беради. "Мана бу ер кўча, бу ариқ, мана бу ерга сизнинг ҳовлингиз тушади" дейди-ю қозиқни қоқиб кетаверади. Бундан буёғи, кўчага қанча жой ташлаш, ариққа жой қўйиш-қўймаслик, уй-жойни қай тартибда, қайси кўринишда қуриш ҳар кимнинг ўзига ҳавола. Оқибат, қинғир-қийшиқ кўчалар, кўримсиз, бугунги давр талабига жавоб беролмайдиган уй-жойлар пайдо бўлиб қолаётгани ҳам бор гап.

Қишлоқ ва маҳаллалардаги уй-жой қурилишининг бориши ва сифатини вилоят ҳокимлигининг якка тартибдаги уй-жой қурилишини мувофиқлаштириш бошқармаси назорат қилиши керак. Бу бошқарма асосан газ ва сув тушириш - коммуникация масалалари билан шуғулланяпти.

Бирмунча вақт илгари бу масала қишлоқлардаги якка тартибда қурилаётган уй-жой сифати назорати бизнинг зиммамизга юклатилгани ҳам рост. Лекин, эътибор берсангиз туманда битта меъмор, унинг биттагина ёрдамчиси бор. Улар асосан туман маркази билан шуғулланишади. Туманда нима кўп қишлоқ кўп, ким кўп "участка олиб, уй-жой қураман", деган одам кўп. Табиийки, битта меъмор янги пайдо бўлаётган маҳалла, кўча ва хонадонлар қурилиш тартибини, сифатини назорат қилишга, айланиб кўриб маслаҳат беришга сира ҳам улгурмайди. Масалан, биргина Поп туманида 290 минг гектар ер бор. Шунинг камида 70 минг гектари шаҳар-қишлоқларни ташкил этади. Энди ўзингиз айтинг, 70 минг гектар ердаги янги пайдо бўлаётган маҳаллалар, уй-жойларни айланиб чиқиш учун қанча вақт керак бўлади? Камида икки йил.

Шунинг учун, қишлоқ фуқаролар йиғинларига ёки ўз ҳудудига бир неча қишлоқларни жамлаган ширкат хўжалигига биттадан меъмор штати берилиши керак. Ҳар қайси ҳудуднинг ўз меъмори бўлиши керак.

Ана шунда қишлоқларда қурилаётган уй-жойлар, янги кўча, янги маҳалла қурилишини, сифатини яқиндан туриб назорат қилиш, амалий маслаҳатлар бериш имкони пайдо бўлади.

Биз бу таклиф билан вилоят ҳокимлигига чиққанмиз. Вилоят ҳокимлиги ҳар қайси ширкат хўжалигида меъмор штатини очиш ҳақида тавсиялар ҳам берган. Афсуски, хўжалик раҳбарлари бу тавсияларни амалда жорий қилишга кўп ҳам ошиқаётганлари йўқ. Ҳали бирор ширкат хўжалиги ёки қишлоқ фуқаролар йиғинида меъмор йўқ.

Ваҳоланки, бу янгилик ҳам эмас. Болтиқбўйи республикаларининг ҳар бир қишлоқ ва ҳудуднинг ўз меъмори бор. Ҳеч нарса уларнинг рухсатисиз ўзгартирилмайди. Аслида шундай бўлиши керак.

Ҳар бир хўжаликнинг ўз меъмори бўлса, уй-жойлар тархини чизиб, мутахассис сифатида ўз йўл-йўриқларини беради. Оқибат, замонамизга мос, бетакрор қишлоқлар, ўзига хос, гўзал турар-жойлар қад ростлайди. Қишлоқда бугун меъморга жуда иш кўп. Масалан, янги маҳаллалар маркази қаерда, қайси қиёфада бўлади? Болалар ўйнайдиган жой-чи? Спорт майдончаси-чи? Уларни қайга, қай кўринишда қурган маъқул? Энди ўзингиз айтинг, бу ишлар билан меъмор шуғулланмаса, яна ким шуғулланиши мумкин?

Меъмор деган ихтисосни қишлоқ фуқаролар йиғини ҳузурида ташкил этмаган тақдиримизда, уни ширкат хўжалигида жорий этиш мумкин. Бунинг учун ортиқча бош қотиришга, ошиқча сарф-харажатга ҳожат ҳам йўқ. Ҳар қайси хўжаликда биз ОКС (капитал қурилиш бўлими) деб атайдиган "штат" бор. Шунинг ўрнига меъмор ихтисосига эга мутахассис ишласа, хўжалик ҳудудидаги маъмурий, маиший ва уй-жой қурилишини назоратга олса, олам гулистон...

Ахир чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, деб бежизга айтмайдилар.

## ЖОНКУЯРЛАР БОР, АММО...

Шу мақолани ёзиш жараёнида бир қатор туманларда бўлиб, янги пайдо бўлаётган маҳаллалар, турар-жойларни кўздан кечирдик. Ўзига ёки фарзандига уй тиклаётган одамлар билан дилдан суҳбатлашдик.

Айниқса, қишлоқда асли оти Мамадали, аммо ҳамқишлоқлари тўғрисўзлиги, бетгачопарлиги учун орқаваротдан "Тошпўлат тажанг" деб атайдиган бир ажойиб дўлвор одам билан қилган суҳбатимиз бир умрга ёдимизда қолди.

Тўғрироғи, янги маҳаллага кетаётиб, бу одамни йўлда учратиб қолдик. Биз билан қўшқўллаб, кўзимизнинг ичига қараган куйи сўрашган бу киши:

-Меҳмонга ўхшайсизлар? – деб қолди.

-Меҳмонмиз, - дедик. Ва самимийлиги шундоққина чеҳрасида акс этиб турган бу одамга мақсад-муддаомизни ҳам айта қолдик.

-Э, ундоқ бўлса мен билан юринглар, ўша янги участкаларни сизларга ўзим кўрсатганим бўлсин? – деди у. Кейин... Исмини айтди. Ҳамқишлоқлари қўйган лақабни ҳам яшириб ўтирмади. Мийиғида жилмайиб "мени "...тажанг" дейишади. Ахир, ўзларингиз айтинг, қандай қилиб оқни қора, қорани оқ дейман. Бор гапни айтаман-да!" деди. Ва йўлакай янги маҳалладан, уй-жой қурилишидан гап очди. Қурилиш қилиш кони азоб эканлигини ҳам яшириб ўтирмади.

-Худо берган учта ўғлим бор. Учаласи ҳам уйланган, бола-чақали, - деди у, - бир ҳовлида турамиз. Баъзан неваралар ўзаро "чўқишиб" қолади. Орага келинлар, баъзан ўғиллар тушади. Қараб турибсизки, таппа-тайёр жанжал. Қани гапга қулоқ солишса! Қаёққа кўчишингни ҳам билмай қоласан. Бундан беш йил бурун раисни олдига қатнай-қатнай қишлоқнинг этагидан дўппидай жой олдим. Олишга олдиму беш йилдан бери битиролмайман. Ўғилларнинг топгани қорнидан, сигарет пулидан ортмайди. Ҳар қалай бу йил ғиштини ўзлари қуйишди. Битта катта молни сотиб семон, терак олдим. Икки хонасини амал-тақал қилиб тикладик. Энди шифери қолди. Қайси куни бозорга ўтгандим. Бир дона шифер 3,5 минг сўм экан. "Э, бу йил ҳам томи очиқ қоларкан, битиролмас эканмиз", деб қуйдим. Буёғини сўрасангиз ҳали дарвоза қуролганимиз йўқ. Ҳозир мол-ҳол кириб кетмадимикан деб хабар олгани кетаётган жойим эди...

Гап билан бўлиб, янги пайдо бўлаётган маҳаллага ҳам етиб келдик. Кимдир аллақачон уйини данғиллама қилиб битирибди. Яна кимдир пойдеворини қўйганича турибди. Бошқаси деворини тиклагану устини ёполмаган. Битган, ярақлаб турган уйларнинг эгалари билан қизиқдик.

-Ҳов анави ғиштдан бўлган қўшқаватли уй раис буванинг ўғлиники, - деди Тошпўлат тажанг, - наригиси райпо раисиники. Анави данғилламаси Карим бутканики... танирсизлар, қишлоққа кираверишдаги дўкон эгаси.

-Анавилари-чи? – деймиз чала-ярим битган, вайрона тусидаги қурилишларга қараб.

-Ановиси Шукуржон миробники, наригиси Ғуломжон деган тракторчиники, ундан наригиси Устамат деган ямоқчиники...

-Сиз ўзи қаердан пенсияга чиққансиз? – қизиқиб сўрадик Мамадали тажангдан.

-Бир умр колхўзда сув қўйганман. Бурунги йили пенсага чиқдим, - дейди у.

-Хўжалик ёрдам бермайдими?

-Ҳе! – дея бошини силкиди "тажанг", - ёрдам дейсиз-а! Сизда бўлса олади булар! Участкани бепул бердиям.

"Тошпўлат тажанг"га "хўжалик ёрдам бермайдими?" деб савол берганимиз бежиз эмасди. Ўз аъзосига, ўттиз-қирқ йил далада ишлаб, меҳнат нафақасига чиққан фахрийларига ёрдам бераётган хўжаликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, уйчидаги Абдували Мўминов номли ширкат хўжалиги ҳудудида битта ғишт заводи, бир эмас, икки эмас етти жойда арзик цехи ишлаб турибди.

-Янги уй-жой қураётган ширкат аъзоларини арзон нархда ғишт, арзик билан таъминлаяпмиз, - дейди Машад қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Нарзиддин Садриддинов.

Қани энди Абдували Мўминов номли ширкат хўжалиги раҳбарларига ўхшаган ўз аъзоларига меҳрибон, жонкуяр раҳбарлар кўпайса, деб ҳавас қилдик. Афсуски, ҳозирча бундай раҳбарлар сони жуда-жуда оз.

## МУАММО ВА ЕЧИМ

-Бизнинг муассаса, - дейди Наманган вилояти якка тартибдаги уй-жой қурилишини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Зоҳиджон Ортиқов, - 1988 йилда ташкил этилган бўлиб, Мустақилликдан кейин Президентимизнинг 1994 йил 5 мартдаги 774-сонли "Республикада уй-жой қурилишини рағбатлантириш ва ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг ушбу фармонни рўёбга чиқариш ҳақидаги қарорига асосан қишлоқдаги муҳандислик инфраструктура иншоотлари қурилишига буюртмачилик қилиб, техник назорат олиб бориш ишлари билан шуғулланади.

Лекин, қурувчи-муҳандис сифатида қишлоқдаги уй-жой қурилишига оид фикр-мулоҳазаларим, амалий таклифларим ҳам йўқ эмас.

Бозор иқтисоди шароитида қурилиш материаллари қимматлиги, уларни сотиб олиб, замон талаби даражасидаги кўркам ва чиройли уй қуриш ҳамманинг қўлидан келавермаслиги ҳам бор гап.

Бугун мустақиллигимизга муносиб кўркам қишлоқ ва маҳаллалар бунёд этиш кун тартибига чиқаётган экан, якка тартибда уй-жой қурувчиларга узоқ муддатли, кам фоизли кредитлар бериш керак. Бу тажриба ривожланган хорижий давлатларда йўлга қўйилган. Масалан, Германияда уй-жой қурувчиларга 20 йиллик имтиёз берилар экан. Бундай тажрибани биз ҳам қўлласак, одамларга анча енгиллик бўларди.

Ширкат хўжаликлари, корхона ва ташкилотлар ҳам уй-жой қурувчиларга имкон қадар ёрдам беришлари керак, деб ўйлайман.

Муҳтарам Президентимиз Фарғона водийсига қилган сафарларида , Бухоро вилоятига ташрифларида қишлоқларимиз қиёфаси, меҳнаткашлар яшайдиган уй-жойлар ҳақида ўзларининг қимматли фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганларидек, эндиликда қишлоқдаги турар-жойлар, маданий-маиший иншоотлар узоқни кўзланган ҳолда гўзал ва пишиқ-пухта ҳолда қурилиши зарур.

Мустақиллик шароитида яшаяпмиз. Истиқлолнинг эса имкониятлари кенг. Излаган, интилган одам уларни албатта топади. Демоқчимизки, эндиликда истиқлол кишилари учун орзу-ҳаваслар ярашади. Шундай уйларда яшайликки, уларда бизнинг тўлақонли ҳаёт кечиришимиз, фарзандларимизнинг соғ-омон улғайиши учун барча шароитлар муҳайё бўлсин. Бунинг учун ҳар бир қишлоқ фуқаролар йиғини ёки ширкат хўжалигининг ўз меъмори бўлсин. Кишилар уй қуриш олдидан шу соҳа мутахассиси билан маслаҳатлашиб, обдон ўйлаб, мулоҳаза қилиб, тархини чиздириб, уй қуришга киришсинлар. Токи, бу уйлар эллик-юз йил ўтиб ҳам ўз қулайлигини, оҳори ва чиройини йўқотмасин. Бугун ўсиб келаётган ёш авлод сиз билан бизнинг дидимиз, маданиятимиз, савиямизга тан берсин, оталари ва боболари бунёд қилган уйлар, иншоотлар билан фахрланиб юрсинлар.

Қурилиш материалларининг қимматлиги, барча ҳам уларни эмин-эркин харид қилиб, рисоладагидек уй қура олмаслиги масаласига келсак, балки, бу борада имтиёзлар, енгиллик ва қулайликлар яратиш лозим бўлар... Туман, хўжалик раҳбарлари деҳқон ҳовли-жойларининг тикланишига кўмаклашиш йўлларини излаб топишар. Бу борада қандайдир янгиликлар, ташаббуслар юзага келса ҳам ажаб эмас.

**Ортиқали НОМОЗОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## САЙЛОВ ЯКУНЛАНДИ

***Якшанба куни Чеченистон Республикасида ўтказилган президентлик сайлови Аҳмад Қодировнинг ғалабаси билан якунланди, дея хабар қилади "Vesti.ru" ахборот агентлиги.***



Маълумотларга қараганда, А.Қодиров сайловда иштирок этган 81,3 фоиз аҳолининг 82 фоизи томонидан қўллаб-қувватланган. Республика сайлов комиссияси раиси Абдул Карим Арсахоновнинг билдиришича, соат тонгги 7.15 даёқ 52,85 фоиз аҳоли овоз беришда қатнашиб бўлган эди. Сайлов натижаларига кўра номзодлардан Абдулла Бугаев 5,4 фоиз, Шомил Буряев 3,4 фоиз, Ҳусайн Бийбулатов 1,7 фоиз ҳамда Қуддус Садуевлар 1 фоиздан овоз олишди. Сайловчиларнинг 2,5 фоизи эса еттита номзоднинг биронтасига ҳам овоз бермаган.

## ЧЕРКОВДА ОТИШМА

***Америка Қўшма Штатларининг жанубий штатларидан бирида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳодиса содир бўлди.***



43 ёшли Шелия Уилсон маҳаллий черковларнинг бирида тонгги ибодат чоғида черков ходими ҳамда ўз туққан онасини отиб ташлаган. Кейин эса ўзининг жонига ҳам қасд қилган.

Жиноят сабаблари ҳозирча ойдин эмас. Бироқ, журналистларнинг аниқлашларича, Шелия Уилсон бундан бир неча ой муқаддам ишсиз қолгач, ақлий салоҳиятидан ажралган, натижада эса руҳий беморлар шифохонасида даволанган экан. Уни фожиа юз беришидан бир кун аввал онаси шифохонадан олиб кетганди.

## ҚИРОЛИЧАГА ТАҲДИД

***Британияда чоп этиладиган "Sunday Telegraph" газетасининг якшанба сонида қайд қилинишича, Британия разведкаси "Ал-Қоида"нинг янги бир террор ҳуружини режалаштираётгани ҳақида маълумотларни қўлга киритган.***



Маълум бўлишича, террорчилар Буюк Британия қироличаси Елизавета IIга Нигерия сафари чоғида суиқасд уюштиришни мўлжаллаётган эканлар.

Қиролича Елизавета II жорий йилнинг декабр ойида Ҳамдўстлик саммитида иштирок этиш учун Нигерияга сафар қилишни режалаштирган эди. Бироқ, "Ал-Қоида"нинг янгидан-янги террор актларни тез-тез содир этаётгани ва эндиликда ҳаттоки Буюк Британиянинг олиймақом хонимига атаб жиноий "тўр тўқиётгани" ошкор бўлгач, Бирмингем саройидагилар хавотирланиб қолишди. Лекин, қиролича Елизаветанинг ўзи Нигерияга бўлажак сафарини қолдирмоқчи эмас.

## 114 ЁШЛИ ФУҚАРО ВАФОТ ЭТДИ

***Трентон шаҳридаги қариялар уйида АҚШнинг энг кекса фуқароси Елена Слоу 114 ёшида вафот этди.***



"Қария бундан уч кун муқаддам оғир касалликдан вафот этган қизи, 90 ёшли Ванда Слоудан айрилишга кўниколмаган", дея хабар беради ИТАР-ТАСС ахборот хизмати. Эслатиб ўтамиз, Елена Слоу ер юзидаги энг кекса фуқароларнинг учинчиси саналарди. 116 ёшли япониялик Камато Хонго ҳамда унинг 114 яшарлик ватандоши Митоио Каватэ бугунги кунда дунё қариялари рўйхатини бошқаришмоқда.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

---

Утерянный гос.ордер №10-21/440 от 21.02.1994 г. права собственности Ковалёвой Розы Ивановны на квартиру, считать недействительным.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимлиги томонидан 2003 йил 18 февралда Усмонов Жамол Равшанович номига берилган экспорт-импорт операцияларини амалга оширган ҳолда чакана савдо билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи №1020615 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

В связи с утерей, Свидетельство №46950 от 17.10.2002 г., выданное Горстатом г.Ташкента в ООО "TRANS-ELMA" Хамзинского района г.Ташкента, считать недействительным.

ООО "TRANS-ELMA" Хамзинского района г.Ташкента ставить в известность учредителей об уменьшении сформированного Уставного фонда с 43 800 100 сум до 24 225 100 сум.

Утерянный аттестат O*R-V 0004261 выданный 23 июня 2001 года школа-лицей №6 Сергелийского района г.Ташкента на имя Ташматовой Камилы Хумоиновны, считать недействительным.

Тошкент Давлат аграр университети томонидан 1991 йилда Джураев Абдулла номига берилган №939308 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 7 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 661,84 | 1 Польша злотийси | 251,52 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1618,67 | 1 СДР | 1394,21 |
| 1 Дания кронаси | 151,89 | 1000 Туркия лираси | 0,70 |
| 1 БАА дирхами | 265,51 | 1 Швейцария франки | 729,80 |
| 1 АҚШ доллари | 975,16 | 1 ЕВРО | 1127,58 |
| 1 Миср фунти | 158,24 | 10 Жанубий Корея вони | 8,46 |
| 1 Исландия кронаси | 12,72 | 10 Япония иенаси | 87,91 |
| 1 Канада доллари | 724,27 | 1 Россия рубли | 32,04 |
| 1 Хитой юани | 117,82 | 1 Украина гривнаси | 182,91 |
| 1 Малайзия ринггити | 256,65 | | |

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва "Янги Юқори Технологиялар" тараққиёт маркази ўзбекистонлик ёш фермерларнинг АҚШда 12 ойлик малака ошириш машғулотларида иштирок этишлари учун**

**РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ**
**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

***Дастур АҚШ Давлат департаментининг Алмашув дастури асосида Р-4-05927 рақамли чорвачилик, ўрмон хўжалиги ва балиқчилик соҳалари бўйича ёш фермерларнинг 12 ой мобайнида АҚШда малака оширишларини таъминлашга мўлжалланган. Дастур ҳомийси АҚШнинг "KELI Global Group Inc." Компанияси. Дастур иштирокчилари дастлабки харажатларни (ҳомийга ўтказиладиган бадал, АҚШ элчихонасида виза расмийлаштириш, АҚШга бориб-қайтиш авиачиптаси, шахсий ҳаётини суғурта қилиш) ўз ҳисобларидан тўлайдилар. Дастур иштирокчилари АҚШда малака ошириш даврида бепул яшаш жойи ҳамда соатига камида 5,15 АҚШ доллари миқдорида стипендия билан таъминланадилар. Амалий малака ошириш жараёни ҳафтасига 6 кун, ҳар куни камида 10 соатни ташкил этади.***

**Дастур иштирокчиларига қўйиладиган асосий талаблар:**
-Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлишлари;
-22-32 ёшда бўлишлари;
-танлаган йўналишлари бўйича камида 2 йиллик узлуксиз меҳнат фаолиятига эга бўлишлари;
-инглиз тилида кундалик мулоқот доирасида гаплаша олишлари;
-ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлишлари лозим.
Дастурда иштирок этиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар:
-Паспорт фотонусхаси;
-Меҳнат дафтарчасининг фотонусхаси;
-Ҳайдовчилик гувоҳномасининг фотонусхаси;
-Иш жойидан маълумотнома ва тавсиянома;
-Ҳуқуқ-тартибот идораларидан қонунбузарликка йўл қўймаганлиги тўғрисида маълумотнома;
-Оилалилар учун никоҳ гувоҳномасининг фотонусхаси;
-Дастур ҳомийси томонидан тақдим этиладиган сўровнома – тўлдирилган ҳолда;
-Дастур ҳомийси томонидан юборилган тиббий маълумотнома – расмийлаштирилган ҳолда.

*Дастурда иштирок этувчилар 3 босқичдан иборат танлов имтиҳонларини топширишади. Танлов имтиҳонлари ва АҚШга малака ошириш учун жўнатиш йил давомида амалга оширилади. Бир йилда 100 тадан ортиқ фермер ушбу дастурда иштирок этиши мумкин.*

**Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: 700017, Тошкент шаҳри, Х.Сулаймонова кўчаси, 29-уй. "Янги Юқори Технологиялар" тараққиёт маркази офиси.**

**Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 132-19-58; 133-71-23.**
**E-mail: newhitech@litel.uz**

**JOB ANNOUNCEMENT**
**European based Company is seeking for dynamic, motivated and experienced candidate for the position of a *REPRESENTATIVE* for Fergana Valley Viloyats.**
**Candidates / applicants should:**
- *Have a high degree of education in AGRONOMY / PLANT PROTECTION*
- *Have minimum three years of relevant professional experience*
- *Have good command of written and spoken Uzbek and Russian languages and an ability to communicate in English*
- *Be ready to travel in Viloyats of Fergana Valley*
- *Have computer literacy*
- *Have a car and valid driving license*

**Candidates should submit their CV in English not later than November 20, 2003 to the fax # 371.1694310 or e-mail ucctash@online.ru**
**Tel. for references: 371.1693890/1696459**
**All applications will be held as strictly confidential**

**"ЎЗДОНМАҲСУЛОТ" ДАК КОРХОНАЛАРИ, ЖАМОА,ШИРКАТ, ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**"БАРАКА"**

**ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси уруғлик буғдойни қаттиқ ва чангли қоракуя касалликларига қарши дорилашда юқори самара берувчи "Барака" номли препаратни харид қилишни таклиф этади.**

*Препарат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Давлат кимё комиссия"си томонидан 2000 йил 25 августда № 50379 сон остида рўйхатга олиниб, кўзланган мақсадларда ишлатишга рухсат этилган.*

*Препарат токсикологик гигиена хулосасига кўра IV синфга мансуб.*

*Ўзбекистон Республикаси "Давлат кимё комиссия"сининг 2002 йил 25 августдаги № 01-15-28-35-сонли "Баённома"сига асосан хўжаликларда, фуқароларга ажратилган ерларга экиладиган уруғлик буғдойни қаттиқ ва чангли қоракуя касалликларига қарши жойларда "Барака" препаратини қўллаб дорилашга рухсат берилган.*

**Препаратнинг 1 тонна уруғлик буғдойга сарф меъёри 0,4 килограмм.**
**1 килограмм препаратнинг нархи 10 минг сўм.**
**Харид қилинган препаратга сифат "Сертификати" берилади.**

**ФИРМА МАНЗИЛГОҲИ: ТОШКЕНТ Ш., МУХТОР АШРАФИЙ КЎЧАСИ, 108А-УЙ. ГУРУЧ ЗАВОДИ БЕКАТИ. ТЕЛ.: 93-00-10, 182-76-19.**

